


Миссионерлик, миллатга таҳдиддир

Ўзбекистон халқи кўп миллатли бўлиши билан бирга, маҳаллий аҳоли ўз урф-одатларига жуда кўп содиқдир. Ислом дини маҳаллий халқларнинг урф-одатларига чуқур кириб кетиб, ҳаёт тарзига айланиб қолган. Халқимизнинг тарихи, бугуни ва келажаги бевосита Ислом дини билан чамбарчас боғлиқ.



Ўзбекистонда кейинги пайтларда мусулмонларни ва маҳаллий халқларни турли хил диний секталарга ўтказишни тарғиб этувчи миссионерлик ҳаракати кўзга ташланмоқда. Ўз динидан воз кечиб ўзга динларга ўтиб кетаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатларини ифодаловчи прозелитизм натижасида диний ҳамжиҳатлилик, бағрикенглик, динлараро муносабатларни қарама-қарши қўйилиши ва кескинлашишига, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга сабаб бўлиши мумкин.

Миссионерлик сўзи латин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», «миссионер» эса «вазифани бажарувчи», «миссионерлик» эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуи маъноларини билдиради.

Миссионерлик билан бевосита боғлиқ “прозелитизм” тушунчаси эса, юнонча прозелитос янги мазҳабни қабул қилган киши, яъни бошқа мазҳабдагиларни, аввало, мусулмонларни христианликка киритиш, яъни ўзига хос «салб юриши».

Миссионерлик, ҳаракат христианлик дини қадимий Византия империясининг давлат дини сифатида эълон қилинган даврдан буён амалга оширилиб келмоқда. Христиан руҳонийлари даставвал миссионерлик ҳаракатини Европа ва Яқин Шарқдаги кўпхудоликка эътиқод қилиб келган аҳолини яқкахудоликка даъват

қилиш байроғи остида олиб бордилар. Шу тариқа IVасрда пайдо бўлган христиан миссионерлиги XIII-XVI асрларда Ҳиндистон, Хитой, ва Японияга кириб борди.

Католик черковида эса миссионерлик Испания ва Португалия империялари ташкил топгач (XIII-XVIасрлар) да тараққий этди.

Миссионерлик ҳаракати Буюк Рим империясига янги ерларни ўзлаштиришга катта ёрдам берди.

Миссионерлар энг замонавий информатсион технологик восита, усуллар ишга соладилар. Бунда кишилар руҳияти, онгига психологик таъсир кўрсатишга алоҳида эътибор берилади.

Миссионерлик ва прозелитизм глобаллашув жараёнида маънавий-мафкуравий таҳдид воситаси бўлиб, аввало, жаҳондаги муайян кучларнинг геополитик мақсад ва манфаатларига йўналтирилган холда олиб борилмоқда. Мисол, XIX асрга келиб эса миссионерлик янгидан фаоллашди. Ушбу ҳаракат вакиллари ўз фаолиятларини Африкада кенг тарзда ёйиб, ўз мамлакатларининг сиёсатини ўтказишга ёрдам бердилар.

Иккинчи томондан, халқнинг миллий маънавияти, урф-одат ва анъаналари, миллий менталитети диний таълимот сифатида шаклланган бўлиб, миссионерлик ва прозелитизм халқнинг миллий ўзлигидан бегоналашувига, манқуртлашувига, давлатнинг ички ҳаётида миллий, диний, ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашувига сабабчи бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда фуқаролик жамияти қуриш жараёнларида миллий-диний қадриятларни фуқаролар онги – тафаккурига сингдиришга, маънавий иммунитетни шакллантиришга муҳим эътибор берилмоқда.

Агар бу ҳаракатга бепарволик билан қаралса, жамиятда жуда катта муаммоларга сабаб бўлади. Миссионерлик келтириб чиқараётган салбий оқибатларни айрим ҳаётий мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда миссионерлик ҳаракати инсонлар орасида ҳамда баъзи-бир ёшларимиз нигоҳида диний мутаассибликнинг ўзига хос кўриниши сифатида намоён бўлмоқда десак асло муболаға бўлмайди.

Фарзандларимизга тарбия ёки таълим берилаётганда диний бағрикенглик тамоилларини ўргатамиз албатта. Шу жараёнда, бағрикенглик дегани миссионерларнинг салбий таъсирига тушиш ёки эътиқодларига эргашиш дегани эмаслигини тушунтиришимиз керак.

Е.Айтымов

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши
курашиш катта тезкор вакили, капитан